

Шухратов Элмурод Шухратович,

Тошкент молия институти магистранти

Хашимов Абдукомил Рисбекович,

Тошкент молия институти доценти

“Олий ва амалий математика” кафедраси мудири

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ: МАҚСАДЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО КОРРЕЛЯЦИЯСИ

Аннотация. Маълумки жаҳон иқтисодиёти ривожланишида суғурта муносабатлари ва суғурта хизматлари алоҳида ўринга эгадир. Шу сабабли суғурта бозорини мақсадли ривожлантириш кўрсаткичлари қадамма-қадам таҳлил қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Мақолада Ўзбекистон суғурта бозорини истикболда мақсадли ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб уларнинг классификацияси келтирилган. Ўзбекистон суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларининг корреляцияси ўрганилиб, бу корреляцион таҳлил асосида хулосалар, яъни корреляция зичлиги ўрганилган чиқарилган.

Таянч сўзлар. Суғурта хизматлари, суғурта бозори интеграцияси, корреляция, ривожланиш даражаси, суғурта бозори.

Shukhratov Elmurod Shukhratovich,

Master's degree of the Tashkent Financial Institute

Khashimov Abdukomil Rizbekovich,

Associate Professor of the Tashkent Financial Institute

Head of the Department of Higher and Applied Mathematics

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN: TARGETS OF DEVELOPMENT AND THEIR INTERACTION

Abstract. As is generally known, insurance relations and insurance services occupy the special place in development of world economy. The incremental analysis of indexes of having a special purpose insurance market development is therefore important. In the article the indexes of having a special purpose insurance market of Uzbekistan development are analyzed in the future and дана of their classification. In addition, correlation of having a special purpose index is studied for passing ahead insurance market of Uzbekistan development, and on the basis of this cross-correlation analysis drawn conclusion, the closeness of correlation is certain.

Keywords. Insurance services, insurance market integration, correlation, level of development, insurance market

Кириш. Ҳозирда жадал кечаётган глобаллашув шароитида суғурта бозорининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўрни ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда молия бозорини янада ривожлантириш, миқдорларни сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта фаолиятини кўллаб-қувватлаш, соҳа истеъмолчиларининг манфаатлари ҳимоясини кафолатли ва изчил амалга оширилиши таъминланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг илмий ишланмаларида суғурта бозори ривожланишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари келтирилган бўлсада, уларда суғурта муносабатлари тизимли тадқиқ орқали яхлитликда етарлича ўрганилмаганлиги кузатилди. Хусусан, суғурта фаолияти шахснинг меҳнат салоҳияти, соғлиғи, ҳаёти, мол-мулки, жавобгарлиги каби суғурта ҳодисаларидан кўриши эҳтимол бўлган зарар(йўқотиш)ларини молиялаштириш воситаси саналади [1].

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг барқарорлиги бевосита интеграция жараёни билан узвий боғлиқликда кечмоқда. Бу жараён иқтисодиётнинг барча жабҳалари сингари, суғурта соҳасини ҳам қамраб олганлигини келтириб ўтиш ўринлидир.

Суғурта бозорининг замонавий ривожланиш анъаналари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда кўрсатилаётган суғурта хизматлари қамровининг миқдори ва сифати турличадир. Шу сабабдан ривожланиш даражаси турлича бўлган давлатларнинг суғурта бозорлари интеграциясини жадаллаштириш истиқболда кутилган самарани бериш эҳтимоли камдир. Бунинг исботини Европа Иттифоқи суғурта бозорининг Жанубий-Шарқий Европа суғурта бозори интеграцияси мисолида кутилган даражадаги самарали бўлмаганлигида кўриш мумкин [2].

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, суғурта бозорини мақсадли ривожлантириш кўрсаткичлари ва уларнинг корреляцияси тадқиқи негизида миллий суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини оширишга қаратилган ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқ яхлит – тизимли тарзда амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Суғурта бозори ривожланиши таҳлили Г.Диккинсон, А.Карл, Р.Картер, Т. Левитт, Т. Мерфи, Л.Турроу, М.Фернандес, О.Футтеркнехт, Г.Чернова ва бошқа иқтисодчи - олимларнинг илмий ишланмаларда ёритилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Шунингдек, Н.Адамчук, И.Жук,

И.Котлобовский, Н.Кузнецова, Ж.Писаренко, К.Турбина, Р.Юлдашев каби олимларнинг соҳага дахлдор ишланмаларида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар суғурта бозори томонидан кўрсатилаётган хизматларни бошқариш масалаларига йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу ишларнинг таҳлили Ж.В.Писаренконинг докторлик ишида атрофлича ўрганилган [4].

Глобаллашув шароитида суғурта бозорининг ривожланиш масаласи ва унда суғурта хизматларининг ўрнини А.Кёсе, Я.Пейхун, С.Прасад, У.Хоканс, Р.Шарма каби олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилганлигини А.Р.Мустафина ўзининг номзодлик ишида атрофлича ёритиб берган [3].

Республикамиз суғурта бозорини мақсадли ривожлантиришнинг айрим масалалари иқтисодчи олимлар Х.Собиров, Т.Иминов, М.Мирсодиқов, Х.Шеннаев, Т.Баймуратов, И.Абдурахмонов, А.Нуруллаев, С.Шеров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу олимларнинг ишларининг шарҳи билан С.Шеровнинг номзодлик диссертациясида тўлиқ танишиш мумкин [5].

Мазкур иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмаларида суғурта бозорининг моҳияти, уни ривожлантириш омиллари ва бошқариш, хусусан, суғурта муносабатлари ва хизматларини такомиллаштириш масалалари қисман тадқиқ этилган бўлиб, мамлакатимиз суғурта бозорини мақсадли ривожлантириш кўрсаткичларининг ўзаро корреляцияси масаласи назарий-амалий жиҳатдан тизимли тадқиқ этилмаган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, суғурта бозори молия бозорининг ажралмас қисми бўлса, суғурта муносабатлари эса, давлат молия тизимининг асосларидан бири ҳисобланади. Бунда турли қарашлар мавжуд бўлиб, масалан М.Госсуб томонидан суғурта қопламалари муаммолари эҳтимол нуқтаи назаридан ўрганилиб, бу муаммони ечимини топиш учун классик адабиётлардаги Эрроу таклифларининг модификацияси таклиф қилинмоқда [6]. Ю.М.Махдиева ва М.Г.Махдиевлар томонидан суғурта хизматини товар сифатида қараш таклиф қилинмоқда [7]. Республикамиз иқтисодиётида суғурта фаолиятининг ривожланиши, яъни суғуртанинг қуйидаги:

рискни минималлаштириш;

истеъмолчилар ва давлатни кўзда тутилмаган эҳтимол характердаги тасодифий ҳодисалардан кафолатли ҳимоялаш;

жамиятда молиявий барақдорлик ва мувозанатни кафолатлаш каби вазифалари ижросини кафолатли таъминлаш, шунингдек глобал ва регионал миқёсда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари

орттирилган илмий тажриба ва маълум самарага эришилган мақсадли изланишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, ҳозирга қадар миллий суғурта бозорини ривожлантириш имкониятларини баҳолаш, истиқболини белгилаш юздан ягона ечим ишлаб чиқилмаган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон суғурта бозори ҳам имкониятларини нуқтаи-назаридан мамлакатнинг энг истиқболли молиявий бозори ҳисобланади.

Фақат бу бозор иқтисодиёт талабларидан: халқаро миқёсда долзарб саналадиган (масалан, ҳаёт суғуртаси класс(тур)лари) турли суғурта хизматлари қамровида маълум даражада ортда қолаётган бўлса, шунингдек, суғурта фаолиятининг асосий даромад манбаси саналадиган инвестицион жараёндаги роли ҳам талаб даражасида эмаслиги кузатилмоқда. Бу ҳолат суғурта ташкилотларининг капитализацияси, шунингдек, суғуртачиларининг қайта суғурта бозоридаги улуш кўрсаткичлари етарли даражада юқори эмаслиги билан изоҳланади.

Шундай қилиб, суғурта – маълум бир суғурталаш ҳолатлари юз беришини эътиборга олган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар, давлат субъектларининг суғурта мукофотлари(взнослари) ҳамда суғурталанувчиларнинг маблағларидан тўплаган фондлар ҳисобига уларни ҳимоялаш муносабатларидир.

Суғурталовчилар – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида тузилган суғурта ташкилотлари ва жамиятлари бўлиб, улар лицензия асосида суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича фаолият олиб боришади.

Суғурта ташкилотлари билан шартнома тузган юридик ва жисмоний шахслар суғурталанувчилар ҳисобланади.

Суғурталанувчиларни суғурталаш ва қайта қайта суғурталаш бўйича фаолият суғурта фаолияти деб аталади.

Суғурта тизими қонунчилик базасини такомиллаштиришга, давлатнинг молия ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлигига, суғурта фаолиятини назорат қилиш сифатига ва суғурта ташкилотларининг ишончилигига боғлиқдир.

Суғурта фаолиятида асосий мақсад юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларини ҳамда турли фаолиятларини ҳимоялашдан иборат бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажариши зарур:

- суғурта соҳасида ягона давлат сиёсатни олиб бориш;
- фуқароларнинг ва Республикамиздаги хўжалик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи суғурталаш тамойилларини ўрнатиш ва суғурталаш механизмини шакллантириш.

Республикамизда аҳоли орасида суғурта фаолияти янада сезиларли бўлиши учун қуйидаги суғурта хизматларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир:

маълум бир ёшгача яшашни ёки эҳтимоликка кўра, суғурта ҳодисасидан қафолатли ҳимояни назарда тутган ҳаётни суғурталаш;

никоҳ суғуртаси;

нафақа суғуртаси;

турли касалликлардан ва бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

тиббий суғурта;

транспорт воситалари;

юк суғуртаси;

агросуғурта (ҳосил суғуртаси, экинлар суғуртаси, хайвонлар суғуртаси);

юримдик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки суғуртаси;

жавобгарлик суғуртаси;

тадбиркорлик рисклари суғуртаси;

молиявий рисклар суғуртаси ва бошқа.

Республикамизда 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи жами 46 та суғурта ташкилотларига лицензия берилган [8].

Буюк Британиянинг New Frontier ташкилоти маълумотларига кўра, жами суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати орқали аниқланадиган “Суғуртанинг кириб келиш даражаси” (Insurance Penetration Rate) кўрсаткичи дунё миқёсида 6,35% ни [9], Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 0,4% ни ташкил этади [10]. Дунёда аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари 847 еврони ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 еврога тенг. Бу ҳолатлар мазкур хизматнинг қамрови паст даражада қолаётганлигини англатади. Дунё давлатлари ичида етакчилик Гонконгга тегишли бўлиб, суғурта мукофоти жон бошига 7,5 минг еврони, энг кам кўрсаткич эса 5 еврони ташкил қилиб, Нигерия давлатига тўғри келади.

Республикамизда суғурта муносабатларида кузатилаётган асосий муаммоларга суғурта қопламасини тўлашни рад этиш, суғурта хизматларини кўрсатиш борасида рақамли технологияларни қўллаш талаб даражасида эмаслиги, суғурталанаётган объектнинг баҳоси томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгилаётганлиги, суғуртачини қоплама тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилганлиги, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари қўлланилмаётганлиги, шартнома муносабатларида чекловлар мавжудлиги кабилар киради.

Айнан шу муаммолар, манфаатдар томонлар орасида турли келишмовчиликлар, муносабатлардаги кескинликка ва пировардида суғурта ташкилотининг ишончсизлиги ортишига омил бўлмоқда.

Ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлилини қуйидаги статистик маълумотлар асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро корреляциясини кўриб чиқамиз.

Жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари, 2019-2022 йй [11].


Йиллар кесимида	2018	2019	2020	2021	2022
Суғурта ташкилотларининг активлари	2,5	3,0	3,6	4,3	5,2
Суғурта хизматларининг турлари	105	115	135	155	175
Худудий бўлинмалар сони	1450	1500	1580	1660	1740
Аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдори	50,0	65,0	88,0	114,0	148,0
Суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8

Бунда биз

$$r_T = \frac{\sum n_{xy}xy - n \cdot \bar{x} \cdot \bar{y}}{n \cdot \sigma_x \cdot \sigma_y}, \quad \bar{y}_x - \bar{y} = \rho_{yx}(x - \bar{x})$$

фойдаланамиз ва ўрганилаётган кўрсаткичлар учун регрессия чизиғини топамиз.

Суғурта активларининг суғурта хизмати турларига нисбатан корреляциясини ўрганиш (1-расм) натижасида детерминация коэффиценти ва корреляция коэффицентлари учун мос равишда $R^2 = 0,9945$, $r_T = 0,9972$ қийматларни топамиз.




1-расм. Суғурта активларининг суғурта хизмати турлари сонига нисбатан корреляцияси [12]

Бу эса суғурта активларининг суғурта хизмати турларига боғлиқлиги жуда зич эканлиги кўрсатади. Бундан кўринадики, суғурта ташкилотларида суғурта хизматлари турларининг кўпайиши бу ташкилотларнинг активларининг ортишига олиб келади.

Бу эса ўз навбатида суғурта ташкилотларига киритиладиган инвестициянинг кўпайишига олиб келади. Натижада суғурта мукофотларининг аҳоли жон бошига ортиб, улар эса ўз навбатида аҳолининг турмуш шароити яхшиланишига таъсир қилади.

Юқоридаги фикрларимиз қанчалик асосли эканлигига қуйидаги аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдорининг суғурта хизмати турлари сонига нисбатан корреляцияси (2-расм) ҳам тасдиқлайди.




2-расм. Аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдорининг суғурта хизмати турлари сонига нисбатан корреляцияси [12]

Бу ерда аҳоли жон бошига суғурта мукофотининг суғурта хизмати турлари сонига нисбатан корреляциясини ўрганиш (2-расм) натижасида детерминация коэффициенти ва корреляция коэффициентлари учун мос равишда $R^2 = 0,9947$, $r_T = 0,9973$ қийматларни топамиз. Бу эса ўз навбатида аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдори суғурта хизмати турларига боғлиқлиги жуда зич эканлиги кўрсатади.

Демак, суғурта ташкилотларида суғурта хизматлари турларининг кўпайиши аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдорининг ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида суғурта ташкилотларига нисбатан аҳоли томонидан ишонч ортади ва аҳолида суғурталаш қанчалик заруриятли эканлиги ҳақидаги тушунчани ҳосил қилинади.

Юқоридаги фикрларимиз қанчалик асосли эканлигини қуйида келтириляётган аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдориининг суғурта активларига нисбатан корреляцияси (3-расм) ҳам кўрсатади.



3-расм. Аҳоли жон бошига суғурта мукофоти миқдориининг суғурта активларига нисбатан корреляцияси [12]

Хулоса ва таклифлар.

Миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг қуйидаги:

суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан халқаро стандартлар ва тавсияларни ҳамда ушбу соҳадаги илғор жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш;

тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини қўллаш этиш орқали мазкур бозорнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни институционал ривожлантириш;

суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари таркибини оптималлаштириш, шунингдек, суғуртачиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш;

суғурта брокерлари фаолиятини фаоллаштириш, суғурта агентларининг ишлаш тизимини такомиллаштириш, банксуғурта механизмларини жорий

этиш, шунингдек умуман суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш негизида суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш;

мазкур хизмат истеъмолчилари ва суғурта муносабати субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг шаффофлигини таъминлаш;

инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажм ва турларини ошириш;

суғурта соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларини кўрсатишнинг электрон турларини фаол ривожлантириш;

соҳа бўйича мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, суғурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини мақсадли рағбатлантириш;

миллий суғурта бозорининг ижобий имиджини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялаш орқали ошириш каби асосий йўналишлари белгиланлигини келтириб ўтиш мумкин [13].

Адабиётлар

1. Норбаев Н. Ўзбекистонда суғурта бозори тараққиёти ва муаммолар.// Ҳудуд-24. 16.03.2021
2. Регулирование страховой деятельности: учебник и практикум для бакалавра и магистратуры/Ж.В. Писаренко, Н.П. Кузнецова; науч. ред. С.А. Белозеров- М.: Издательство Юрайт, 2014. - 437 с
3. Мустафина А. Р. Роль региональной интеграции в развитии страхового сектора стран с формирующимся рынком. Специальность 08.00.14 - мировая экономика //Дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук.// https://mgimo.ru/science/memo/Mustafina_dissertaciya.pdf
4. Писаренко Ж. В. Финансовая конвергенция как особый механизм модификации пенсионного и страхового секторов мирового рынка финансовых услуг. Специальности 08.00.14 – «Мировая экономика» и 08.00.10 – «Финансы, денежное обращение и кредит». Дисс. на соискание ученой степени доктора экономических наук. // <https://disser.spbu.ru/files/disser2/disser/HFb1FnWTBf.pdf>.

5. Шеров С. Р. Суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш йўналишлари, 08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит”, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент - 2019, -26 б. ва бошқалар.

6. Марио Госсуб. Optimal insurance with a limited budget and heterogeneity of beliefs. Insurance: Mathematics and Economics. Vol 89, 2019, 79-91 pp.

7. Махдиева Ю.М., Махдиев М. Г. К вопросу о сущности и особенностях страховой услуги как товара. Вопросы структуризации экономики, 2013.

8. Суғурта ташкилотлари. [//https://finlit.uz/oz/articles/financial-market/insurance-organizations](https://finlit.uz/oz/articles/financial-market/insurance-organizations)

9. Глобальный рынок страхования - обзор текущей ситуации. [//https://vc.ru/flood/31955-globalnyy-rynok-strahovaniya-obzor-tekushchey-situacii](https://vc.ru/flood/31955-globalnyy-rynok-strahovaniya-obzor-tekushchey-situacii)

10. Ўзбекистонда суғурта бозори тараққиёти ва муаммолари. [//http://hudud24.uz](http://hudud24.uz)

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги № ПҚ -4412-сон қарорининг 2-илоvasи. [//https://lex.uz/docs/445980](https://lex.uz/docs/445980)

12. Ушбу корреляция статистик кўрсаткичлар прогнозига аосланиб, муаллифлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. [//https://lex.uz/docs/4459802](https://lex.uz/docs/4459802)